

Мухтарам Президент жаноблари, кириб келаётган Янги йилда Сизга ва Ўзбекистон халқига энг эзу тилакларимизни изҳор этмоқчимиз. Ишончимиз комилки, янги асрада Ўзбекистоннинг Америка Яҳудийлари жамоаси ва Исроил билан муносабатлари янада мустахкамланади.

тузилган дўстлик жамиятининг меҳмонлари сифатида. Президент сайловида иштирок этиши хабарини etkaziшдан мамнунимиз. Делегация таркибида бундан бир неча йил аввал Президентлар Конференцияси миссияси аъзоси сифатида Ўзбекистонга ташриф буюрган дўстимиз жаноб Сэм Домб ҳам бор.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки мамлакатимизга 15 миллион ва 40 миллион АҚШ доллари миқдоридикикита кредит ажратишга қарор қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан дастлабки қарз кичик ва ўрта қорхоналарни молиялаштириш бўйича лойиҳаларни рўзба чиқариш учун «Узэнаотқурилишбанк»га йўналтирилади.

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкласини такомиллаштириш тўғрисида

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш, меҳнатни рағбатлантириш ва даромадларни легаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 31 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا илова

Table with 2 columns: Солиқ солинадиган даромад миқдори, Солиқ суммаси. Rows show tax rates for different income brackets.

Ватанини севмак иймандандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

2000 йил 4 январь, сешанба • № 2 (25.552).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ойдин орзулар

Қар гулакни мўъжиза деб билинг, Кутқариши мумкин дунёни. Асқад МУХТОР

2000 йил Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Биз ХХ асрнинг сўнгги йиллари болаларга бўлган буюк эҳтиромимизни яна бир бора ифода этдик. Бугун мустақил давлатимизда Соғлом авлод муаммоси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

назия мактаби ўқувчиси: — Бугун биз ўзимизни Президент болалари, деб биламиз. Бизнинг гимназиямиз бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олади.



қилинганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Чунки мен 20 йилдан бундан болалар дам олиш уйининг бошлиғи бўлиб ишлайман.



Шохрух Алиев, Самарқанд шаҳридаги 17-гимназиянинг ўқувчиси



«Шарқ гули» масъуляти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қўламини кенг. Бу ердаги қўлигул қаштачилар томонидан яратилаётган сўзана, гулқўрна, турли хил чойшаблар, ёлдорлик паннолари киши эътиборини беҳтарин ўзига тортади.



Чеварга Президент совғаси

Китоблик ҳунармандларнинг довруғи кетган. Беқасам, гилам тўқиш, кулолчилик ва темирчилик касби авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти.

Қадоқланган ширинликлар

Асакада шоколад фабрикаси иш бошлади. Қисқа муддатда барпо этилган бу қорхонада ҳар кеча-қундузда ўнлаб турда 3 тоннагача шоколадли вафли ва конфетлар қадоқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 4 январдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиледи.

Table with 2 columns: Currency, Exchange Rate. Lists exchange rates for various currencies like Australia, Austria, etc.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Янги йил тунида

XX аср — инсониятнинг Кўёша қўл чўзиб яшаган даври... XX аср, Бир ёним тўтайди қиямет каби... XX аср, Бу — менинг ўзим! Урушининг кўрдим... XX аср, Айём тунида, Хуш кўрдим, марҳаб! Ана, базни тўр... XX аср, Нима гамин бор? Елкамин тутмоққа қодирман, мана!

Қўқор НОРҚОБИЛ

Марказий сайлов комиссиясида

Мамлакатимиз ҳаётидаги улкан воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига ҳам саноқли кунлар қолди. Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида ўтказилган матбуот конференциясида таъкидланганидек, 9 январь кунини бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик ишлари асосан якулланди.

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

Жаҳон хазинаси дурдонаси

КОНФУЦИЙ ХИКМАТЛАРИ



Эрамиздан олдинги 551-478 йилларда, яшаб ўтган қадимий Хитой донишманди Конфуций номи ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда...

Конфуций тўғрисида дарё-дарё китоблар яратилган, жаҳон таржималари эса бутун бир уммонни ташкил этади...

кашф қилади. Минг йиллар давомида Конфуций таълимоти Хитойнинг давлат мафкуриси бўлиб келгани бежиз эмас!

Конфуций мактабининг унинг ҳикматларисиз асло тасаввур этиш мумкин эмас. У вафот этгандан сўнг шогирдлари уларни тўплаб, нашр этирган мазкур ҳикматлар асосан устоз ва шогирдлар ўртасидаги сўхбат, савол-жавоблар фалсафий-ҳаётий ўй-мулоҳазалардан иборатдек туюлса-да...

Устоз деди: Кувончли эмасми, ўқин ва мунтазам ўз-ўзини англаб бориш? Ва ёқимли эмасми, олисдан келадиган дўстни кўриш? Олижаноб киши шу эмасми — ҳеч кимни рағибитмайди, ҳали одамларга номаълум инсон!

Юзи айтиди: Кам учрайдиган ҳодиса — Ота-онасига ва ўздан катталарга ҳурматли одамнинг ўздан устун одамларга ҳуруж қилишни яхши кўриши. Ва ўздан юқори одамларга ҳуруж қилишни, низо-лар бошлаб юришни ҳуш кўрмайдиган одам ҳам йўқ ҳисоб. Олижаноб эр илдиз устида қаттиқ ишлайди, илдиз туғилиши билан унинг умри ҳам бошланажак. Раҳм-шафқатнинг илдизи мана шудир — фарзандлик эҳтироми ва ўздан катталарга ҳурмат!

Устоз деди: Раҳм-шафқат — кам учрайдиган ҳолат — чиройли нуқтар ва одобли ташқи кўриниш палла-лариди.

Цэнци айтиди: Мен бир кунда уч бора савол берурман: Қадимми интилайтган одамнинг содиқ? Самимийлигини сақладимми дўстларим билан мулоқотда? Такрорлай олдимми мен ақду вужудимга ўтган нар-саларни?

Устоз деди: Агар олижаноб эркек, Тўқлик ҳақида ўйламаса Ва яшаган интилмасе Роҳату фароғатда Чакқон хизмат қилса, Эҳтиёткорона сўзласа, Тузатиб олаёзи, Чикиндан олдин йўлга — Демак, уни сабоқ олинини яхши кўради, деб айтиш мумкин.

Устоз деди: Мажис тортма Одамлар сени билмаслигиндан, Хафа бўл Сен одамларни билмаслигиндан!

Устоз деди: Ким бошқарса эзуликка биноан У шимол юлдузига монанд ўз жойида тураверади, Ҳамдўстлиқни юлдузлар даврасида

Мэн Йизи фарзандлик эҳтироми ҳақида сўради. Устоз айтиди: — Бу — кулоқ солиш! Фан Чи икки гилдиракли аравада устозини олиб бораётган эди, у бунга қарата деди: — Мэнсунь мейдан фарзандлик эҳтироми ҳақида сўровди, Мен унга шундай жавоб бердим: «Бу — кулоқ солиш!»

Фан Чи сўради: — Бу нима дегани? Устоз деди: — Ота-онанига удумимизга биноан хизмат қил, Қазоси еттак — уларни удумга биноан кўм, Шундан кейин уларга удумга биноан худойилар қила-вер!

(Давоми бор)

Азим СУЮН ва Ҳалид ИКРОМ таржималари



«Улусал» Туркия шўъба корхонаси жамоаси

Мустақил Ўзбекистон меҳнаткашларини улуг айём — Рамазон байрами билан самимий муборакбод этади!

Азиз болаларнинг келажagini ўйлаб Ўзбекистонда 2000 йилни Соғлом авлод йили, деб эълон қилган бу саховатли диёр чиндан ҳам истиқлолнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда. Кутлуғ сана — 2000 йилга шахдам қадамлар кўйган серкӯёш Ўзбекистоннинг мустақилликнинг тўққизинчи йилидаги тараққиёти улкан бўлишига ишонамиз.



1995 йил август ойида Самарқанд шаҳри-да ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё Таъриқотлари халқаро институти иш бошлаган эди. Яқинда Парижда ушбу институт олимлари томонидан яратилган «Марказий Осиё халқларининг амалий санъати» китобининг биринчи жилди босмадан чиқарилиб, унинг тақдироти Парижда бўлиб ўтди. Ушбу ки-

тоб тақдироти ЮНЕСКО ташкилотига аъзо 188 та давлат вакиллариининг олқи-шига сазовор бўлди. Суратда: Таъриқотчи Лола Латипова, илмий ходим Собир Ражабов, таъриқотчи Маърифат Ҳамдамова ва санъаткор Бобур Шарипов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗ) олаган сурат

Одатда шундай бўлади: ҳар битта қаҳрамон даврнинг маълум бир онда ялт этиб отилиб чиқади. Ҳамма унинг маҳоратидан, матонатидан, омадидан ҳайратта тушади. Лекин бу маҳорат, бу меҳнат, бу омад замирида нима бор — бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Рост-да, ўйлаб қўришга ҳожаат борми? Ахир ёрқин юлдуз борган сари равшанроқ порлаятти-ку! Узининг голибона одимлари билан барчани мамнун этиб, фаҳр-ифтихор бағишлайпти-ку! Эртага шу юлдуз хира тортиши ҳам мумкинлиги биронта ишқи-бозининг ҳаёлига келмайди. Ҳатто шундай ҳодиса рўй бергувдай бўлса, ишқибозлар-га чикора. Чунки, улар бу пайтда яна янги бир юлдуз шуъласи билан андармон бўладилар.

лаа давомида биз ажайиб ўзбек ўелони ҳақидаги бор ҳақиқатни билиб оламиз. Фотима Шарипова йигир-ма йилдан буён журналис-тика соҳасида қалам теб-ратган, талайгина очерклар, лавқалар мўаллифи. Унинг турли мавзулардаги ранг-баранг репортажлари радио тўлиқлилари орқали кўпчи-ликка намойиш бўлиб келди. Биринчи бўлса ҳам етук китоби. Ниҳоятда масъуля-ят, муҳаб-бат билан, ши жо а т б и л а н ё з и л г а н а с а р! «Ма-т о н а т» т а б и р ж о и з бўлса, нафақат Руфат Рискиевга, балки, қанчадан-қанча заҳматларни бошдан ўтказиб, аммо сира руҳан бўлишдан шохликка тушмаган жа-фокан халқимизга, унинг анъаналарига айтилган каси-ладир. Китоб энг аввало, соддалиги билан, компози-ция тузиллигининг ниҳоятда самимиийлиги билан ўқувчи-ни ўзига тортади. Уни ўқир эканмиз, севимли бокчи-мининг ҳаёти худди кўп қисмли видеофильмлардаги воқеалардек гоҳ маҳзун, гоҳ нурли таассуротлар уйғотиб, кўз ўнгимизда бирма-бир ўта-ди.

Ҳаётда ўз ўрнини топиб яшаш ҳар бир инсоннинг энг эзу орузларидан бири-дир. Руфат Рискиевнинг бо-лалик ўйлари, мурғак орзу-умидлари, илк шогирдлик



дамларидан то 1976 йилдаги XXI Монреаль олимпиадаси-да кубуш медал соҳиби бўлганга қадар босиб ўтган йўли бундан шохликка бе-ради. Муаллиф бокчиларни «XX аср гладиаторлари» деб атайди. Кулоққа дастлаб қайғурддий эшитилган бу сўз аслида тўғридир. Руфат Рискиев мана шу гладиато-рлар сафига салкам йи-гирма йил турди. Унинг энгилмас қаҳрамони, деган номга сазовор бўлди. Уни ҳамма «Тошкентдан чиққан Осиё йўлбарси», деб атарди. Йигирма йил мобайнида Руфат Рискиевнинг кўнгли-дан нималар кечган, ринг-да қай ҳолатда жанг олиб борган, нима учун унинг ўрнига жаҳон биринчилиги-га рус боксчи жўнаб кет-ган, бу фирромликни ҳамюр-

5-саҳифа

Шаъмий ифторлик

Ўттиз чоғли рўзалорни ифторликка чакиршиш учун ҳозирлик кўрган қўшним Меҳриддин Норов Фиждудон бозоридан ул-бул харид қиларкан, бехос кўзи баққолик растасидаги шамларга тушди: — Бунни қаранг, ёзда анқонинг уруғи бўлган шам-лар бунчалик сероб. Арзонлигини айтмайсизми! Кел, беш-олтита олай. Керакли тошининг огири йўқ, дей-дилар-ку... Шунга жазм қилган қўшним шамларни чўнтагига тиқди. Уйига келганда улардан бири синганли. «Ё, товба, арзоннинг шўрваси татимас деганлари рост. Брак бўлдику!» — Шамга боло борми? — кесатди хотини. — Уйда керосин билан ишлайдиган чироқ бор-ку. Ё ифтор-ликда шам ёқмоқчимисиз? Бинобарин, Фиждудон туманидаги кўплаб қиш-лоқларда электр тез-тез узиб қўйилаётгани сабабли ифторликлар шамсиз ўтмаяпти. Баъзилар эса шам-га зориқиб қоллишган. Масалан «Оқ олтин»лик рўза-дорлар шам танқислиги туфайли табиий газдан фой-даланишади. Чунки газ ҳам иссиқлик, ҳам ёруғлик беради. Шу боис рўзалорлар «Фиждудонга» ҳар гал ифторликдан бир-икки соат олдин кўнғироқ қилишга оdatланишган. Бу илтифотга ташна газчи-лар эса чоллар кўнғироғини сабрсизлик билан кута-дилар. Ҳа, Рамазон ойида дуо олмоққа не етсин!

Даврон БАҲРОНОВ

Ўт ўчирувчилар... мусаллас сотишади

Сурхондарёлик солиқчилар Олтинсой туманидаги кўнғилли ўт ўчириш жамаиятида текшириш ўтказиш чоғида галати ҳолга дуч келишди. Жамаият омбор мудири Абдувахоб Худойкулов зиммасида бўлган то-вар-моддий бойликларидан 271 минг 325 сўм камо-мад борлиги маълум бўлди. Қизиғи шундаки, камо-маднинг 84 минг 325 сўмини спиртли ичимликлар ташкил этар экан. Солиқчилар батафсил суришти-риб кўришганда, мазкур жамаиятнинг спиртли ичим-ликларни сотиш учун махсус рухсатномага эга эмас-лиги аниқланди. Эндиликда ўт ўчирувчилар жамаияти омбор муди-рига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилаётир. Айбланувчи тергов жараёнида спиртли ичимликлар-ни қасрдан, кимдан олганлиги, қилларга, қанчалдан сотганлигини бирма-бир айтиб берса керак. Мусаллас, ароқ заводида ишлаб чиқарилади. Улар-ни кимдир, қаергадир сотади ҳам. Лекин, ўт ўчириш идорасида мусаллас-ароқ билан боғлиқ «ишбилар-монлик»нинг йўлга қўйилганлиги мантқиққа зид ҳо-дек кўринади. Ўт ўчирувчилар билан спиртли ичим-ликлар савдоси бир-бирига асло «ёпишмайди». Би-роқ, олтинсойлик ўт ўчирувчилар шу икки касбни бирдек уддалашганига нима дейсиз? «Туркистон-пресс»

Ўгрининг жазоси шу!

Яқинда Бийск шаҳри аҳолиси кўчада юрган ярим яланғоч эркекни кўрдилар. Унинг устида атиги... куртка оёғида ботинкаси бор эди, холос. Бўйида эса «Ўғри» деган ёзув осилган эди. «Омадли жентельмен»нинг кўллари орқасига қайрилиб, қаттиқ боғлаб қўйилганлиги. Ўтган-кет-ганлардан ёрдам сўраб қанчалик ёлвормасин, ҳеч ким унинг илтижоларига қулоқ солмади. Бояқиш, милиция наряди келиб олиб кетмагунча, шаҳар марказида шундай сандироқлаб юрди. Қонун по-сбонлари жабрийдани ҳар қанча қистовга олмасинлар, ўзини бу ҳола солганларни айтишга жазм қилолмайди. Охир-оқибат унга аврантўш берилиб, уйига жўнатиб юборилди, деб ёзди «Труд» газетаси

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 310-мактаб томонидан 1994 йил 18 майда Қодирхонов Азиз Байрасович номига берилган № 416443 номерли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Китоб — содиқ дўст

тимиз қандай кутиб олган — буларнинг ҳаммаси яқин-яқингача сир сақлаб келина-рди. Китобни ўқигандан сўнг Руфат Рискиевнинг спортдаги юлдузли онлари, инсон сифатидаги беқисс фазилатлари, сабр-бардоши, матонати, оиласига нисба-тан меҳрибонликлари ўқув-чи кўз ўнгиде бор бўйи бил-дан намойиш бўлади. Бу, ал-батта, муаллифнинг тасвир маҳоратидир. Биров ҳақида, айниқ-са, у за-мондо-ш и н г бўлса, к и т о б ё з и ш н и ҳ о я т -д а оғир да оғир бўлса, гап — ҳонийларнинг ҳиммати ва даярли афсона-га айлланиб кетган турли касб ёналари ҳаёти ҳақида шундай китобларни мунта-зам чоп этишади. Биринчи қадам ҳамиша хайри бўлади. Айни янда Фотима Шарипованинг маз-кур китоби куеурлардан ба-тамом ҳоли демокчи эмас-ми? Бунда тез-тез учраб ту-радиган такрорларни назар-да тутаймиз. Балки, бу ҳолат-ни муаллифнинг ҳаяжонли туғени деб қабул қилоқ жо-издир. Китобга кириш сўзи ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукор Холмирасов таъкид-лаганидек, «Китобнинг ҳар бир боби қаҳрамон ва унинг яқинлари ҳаётидан олинган алоҳида бир қизқоғна ўхшай-ди. Шу босдан ҳам китоб бошдан-оёқ «бир нафасда» ўқиб чиқилади».

Ҳақиқат фурсати

Чунки ҳар битта сатрни ёзаётганинда қаҳрамон ёнгинанга туриб олиб, бун-дай эмас, ундай даяётган-дай бўлаверди. Фотима Ша-рипова Руфат Рискиевнинг ҳаётини жуда чуқур ўрган-гани, кўп йиллик матери-алларни бир жойга тўпла-гани асаринг ўқинчи чиқ-қанидан ҳам маълум. Ай-нан мана шу синқовлик Руфат Рискиев образини ма-ромига етказишда кўл кел-ган. Собиқ иттифоқ даврида «Ажайиб кишилар ҳаёти» рукни остида қалин-қалин китоблар чоп этиларди. Уларгаги қаҳрамонларнинг аксарияти рус миллатига мансуб таниқли олим, шоир ёки спортларчи эди. Уша пайтларда кўпгина ўзбек китобхонларининг кўнгли-

Бош муҳаррир Азим СУЮН

- Тахрир хайъати Абдулла ОРИПОВ Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ Азиз НОСИРОВ Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ Исроил ШОҒУЛОМОВ Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари) Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари) «Голос Ўзбекистана» Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози») Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Ўзбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДИМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЯММАР:

- Сўнгас — 133-20-36 Иқтисодий — 133-76-04 Мазнавият — 133-07-20 Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16 Ахборот — 133-12-56 Котибият — 133-21-43 Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16; Бухорода — 23-51-40; Гулистонда — 25-16-22; Жиззахда — 3-29-44; Наманганда — 3-39-20; Нукусда — 6-43-43; Самарқандда — 222-70-12; Тошкентда — 35-20-54; Урганчада — 136-12-56; Фарғонада — 226-51-35; Қаршида — 26-46-84; Термизда — 4-61-35; 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, ТОШКЕНТ, МАТЕМАТИКАР Кўчаси, 38-УМ

Навбатчи Юсуф ЖЎРАЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терлади ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Республика ўзбекистон тарбия Раёввона Газета объект узлаштири. А. — 2 Форматтада. Востанда.

Халқий 2 Босма тавоқ. Ўзбекистон овози материалларини кўриши. Босши фақат тўққизинч рақсоти янага янага оддийдир.

1 — 09

Босишда Топшириш вақти — 21.00. Топширишни — 22.00

123456. Сотувда эркин нархда